

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**336** Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ–405-сон Қонунининг 2-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 8 июль,  
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 8 июлдаги 230-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
қиритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 27-модда) билан тасдиқланган Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 5-бандининг учинчи хатбошидаги ва 18-бандининг «в» кичик бандидаги «5 йил» сўзлари «7 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 37-банднинг биринчи хатбошидаги «5 йил» сўзлари «7 йил» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 55-банднинг иккинчи хатбошидаги «Иш билан машғул шахсларга» сўзлари «Банд шахсларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 59-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Иш билан банд бўлган шахснинг» сўзлари «Банд шахснинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «иш билан» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 128-банднинг «а» кичик бандидаги «5 йил» сўзлари «7 йил» сўзлари билан алмаштирилсин.